

Демография ва мехнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2672,2 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 19806 кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнь ойларида қуидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	27116	27438	322	20,2	21,2
Ўлганлар	6141	6899	758	4,8	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	296	445	149	0,1	0,2
Табиий ўсиш	20975	20539	-436	16,5	15,4
Никоҳлар	5883	6579	696	4,5	5,0
Ажралишлар	1101	1188	87	0,8	0,9

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 27438 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (27116 киши) нисбатан 322 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 21,2 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,2 промилле) нисбатан 1,0 промиллека кўпайди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Наманган (18,7 дан 20,9 промиллека) ва Уйчи (20,5 дан 21,6 промиллека) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида ўлганлар сони 6899 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (6141 киши) нисбатан

¹⁾ дастлабки маълумот

758 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,8 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнь ойларида – 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Поп (4,2 дан 4,5 промиллега), Тўракўрғон (4,5 дан 4,7 промиллега), Учқўрғон (5,0 дан 5,5 промиллега), Чуст (4,2 дан 4,7 промиллега) ва Янгиқўрғон (4,5 дан 4,8 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 57,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,7 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,8 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 445 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 0,2 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-июнида 0,1 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 41,6 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 33,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан ва 16,4 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ органларида 6579 та никоҳлар ва 1188 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,0 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 4,5 та) ва 0,9 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,8 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2129 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2664 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 535 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 378 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиглар Наманган шаҳрида (минус 696), Чуст (минус 125), Норин (минус 65), Мингбулоқ (минус 60), туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнъ ойларида қўйидагича ифодаланади:

Хар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнъ ойларига нисбатан 100,9 фоизга қўпайиб, 1545,4 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил қилди.


2017 йил январь-июнъ ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 13401 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Намangan шаҳрида (2031 кишига), Намangan (1155 кишига), Тўракўрон (1054 кишига) ва Учқўрон (1209 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 12528 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Намangan (1970 киши) шаҳрида, Чуст (1034 киши), Намangan (1058 киши) ва Норин (1051 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 1852 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка қўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



■ 2016 йил январь-июнъ

■ 2017 йил январь-июнъ